

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди:
№ БД – 5311700 –
201__ йил “___” ____

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

201__ йил “___” ____

ГЕОФИЗИК МАЪЛУМОТЛАРНИ ИНТЕРПРЕТАЦИЯСИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 300000- Ишлаб чиқариш техник соҳа

Таълим соҳаси: 310000- Муҳандислик иши

Таълим йўналиши: 5311700- Фойдали қазилма конлари геологияси,
кидирув ва разведкаси (нефть ва газ
конлари)

Тошкент – 201_

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 201_ йил “___” ____ даги “___” -сонли буйругининг ___-иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 201_ йил “___” ____ даги ___ - сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Тошкент давлат техника университети билан Қарши муҳандислик-иктисодиёт институти ҳамкорлигида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- Ф.О.Жўраев -ҚарМИИ, “Фойдали қазилма конлари геологияси ва разведкаси” кафедраси катта ўқитувчisi.
А.П. Эшмуровов -ҚарМИИ, “Фойдали қазилма конлари геологияси ва разведкаси” кафедраси ассистенти.

Тақризчилар:

- З.У. Суннатов - ҚарМИИ, “Фойдали қазилма конлари геологияси ва разведкаси” кафедраси мудири, т.ф.н.
Ш.И. Киёмова - “Ўзбурғунефтгаз” АЖ Геология қидирув ишлари ва инвестицион лойиҳаларни мувофиқлаштириш бўлим етакчи муҳандис геологи.

Фан дастури Тошкент давлат техника университетни Кенгашида қўриб чиқилган ва тавсия қилинган (201_ йил “___” ____ даги ___ - сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Ушбу дастур нефть ва газ конларини излашда геофизик усуллар самарадорлиги билан бирга қўйилган геологик масалаларни ечишни ўз ичига олади. Геофизик тадқиқот усуллари қўлланилиши муҳим халқ хўжалик ахамиятига эга чунки улар Ер қобигининг ҳар – хил чуқурлиқдаги геологик-геофизик тузилиши хақида ва фойдали қазилмаларни топишда, бошқа усуллар билан аниқланмайдиган табиий ҳолатда ётган тоғ жинсларининг физик хоссалари бўйича маълумотларни олиш имкони мавжуд. Шу боис геология соҳаси мутахассислари геофизик усуллар билан ҳал этиладиган вазифалар хусусида тушунчага эга бўлишлари, шунингдек геофизик материалларни талқин қилиш асосларини билишлари лозим.

“Геофизик маълумотларни интерпретацияси” геологияга оид маълум бир масалани ечишда, кон қидиришда, унинг хажми, захираси ва таркибий қисмлари, ётиш чукурлигини аниқлашда қўлланилаётган замонавий геофизик усул маълумотларини умумлаштириш орқали бажарилаётган геологик иш сифатини оширишга ёрдам беради. Фанни ўқитишдан асосий мақсад талабаларга кон қидириш, кондаги геофизик тадқиқот материалларига геологик жихатдан маъно бериш орқали муаммоли масалани ечишни ўргатишdir.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларга муайян геологик вазифани бажаришда геофизик усул ёки усуллар мажмуасини танлай билиш соҳасида кўникма беришdir.

Фанни ўзлаштираётган талаба геофизик маълумотни комплекс геологик интерпретацияси методикасининг асосларини билиш. Геофизик маълумотларининг талқини уларнинг таснифи ва геофизик майдонларнинг асосий жихатлари хақида маълумотларга эга бўлишdir.

Геофизик аномалияларни геологик табиатини физик – геологик моделлаш ва аналог усули асосида тушунтириш. Танлаш усулида геофизик аномалияларни комплекс талқини. Геологик жихатларни аналог принципи асосида геофизик маълумотлар бўйича башоратлаш.

Дастурни амалга ошириш ўқув жараёнида умумгеологик (Дала геофизикаси, Петрофизика) ва ихтисослик (Сейсморазведка, қудукларда геофизик тадқиқотлар ва бошқа) фанлардан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлиш талаб қилинади.

Нефть ва газни геологик-геофизик қидириш ишларида, геологияга оид маълум бир масалани ечишда, кон қидиришда, унинг хажми, захираси ва таркибий қисмлари, ётиш чуқурлигини аниқлашда қўлланилаётган замонавий геофизик усул маълумотларини умумлаштириш орқали бажарилаётган геологик иш сифатини оширишга ёрдам беради.

Шунинг учун ушбу фан асосий умумкасбий фан сифатида нефть ва газ саноати тизимининг ажралмас бўғини ҳисобланади.

Талабаларнинг “Геофизик маълумотлар интерпретацияси” фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишининг илфор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўкув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стенклар, ўкув телевиденияси, диапроектор, компьютер техникаси, слайдлар, ўкув кино, видео фильмлар ҳамда ишлаб чиқаришдаги намуналар ва макетлардан фойдаланилади. Маъруза ва амалий машғулот дарсларида мос равишдаги илфор педагогик технологиялардан фойдаланилади.

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

1 – Модул. Геофизик маълумотлар интерпретацияси асослари

1 – мавзу. Кириш. Фаннинг мақсади ва вазифалари, аҳамияти, асосий тушунчалари

Кириш. Фаннинг мақсади ва асосий вазифалари, таркибий қисмлари бошқа фанлар билан узвий боғлиқлиги, ишлаб чиқаришдаги ўрни ва амалий аҳамияти. Фаннинг ривожланиш тарихи ва истиқболлари. Жаҳоннинг турли ривожланган мамлакатлари ва Республикамизда геологик-қидириув ишларининг замонавий ҳолати.

2 – мавзу. Гравиразведка маълумотлари интерпретацияси

Ер ички қатламларининг зичлигини баҳолаш. Ер тузилишини ўрганишда гравиметрияни ўрни. Геофизик аномалияларнинг рақамли тўплаш усули. Геофизик маълумотлари интерпретациясининг корреляция усуллари. Ер ички тузилишини геофизик усулларда ўрганиш. Сейсморазведка ва гравиразведка маълумотлари корреляцион усулдаги комплекс интерпретацияси. Гравиразведка тадқиқоти маълумотлари интерпретацияси.

3 – мавзу. Магниторазведка маълумотлари интерпретацияси

Магнит аномалияларининг геологик табиати. Ер магнит майдонининг тузилиши. Ер ички тузилишини ва чуқурлик тузилишини ўрганишда магнитометрик тадқиқотлари. Геофизик маълумот натижаси таҳлили ёрдамида геосинклинал худудларда тектоник тузилмаларни ажратиш. Гравимагниторазведка маълумотларини мажмуалаш. Магниторазведка маълумотлари интерпретацияси.

4 – мавзу. Электроразведка маълумотлари интерпретацияси

Тоғ жинси ва қатламларнинг электрлик хоссалари. Ер ички тузилиши хақида геофизик маълумотлар. Электромагнит зондлаш, профиллаш усули материаллари интерпретацияси. Электроразведка маълумотларини сейсморазведка маълумотлари билан боғлаш. Рақамли йифиш усули билан комплекс аномалияларга ажратиш. Магнитотеллурик тадқиқоти материаллари интерпретацияси. Магнитотеллурик тадқиқоти материаллари асосида ҳал қилинадиган геологик вазифалар. Электроразведка маълумотлари интерпретацияси.

5 – мавзу. Сейсморазведка маълумотлари интерпретацияси

Ер ички тузилиши хақида сейсмологик қидибувларнинг роли. Вактли сейсмик кесимни тузиш. Сейсмик тўлқин тезлигини ўрганиш. Сейсморазведка, тўлқинларнинг қайтиш (ҚТУ) усули билан масалани ҳал қилиш имкониятлари. Сейсмик ёзувларни рақамли қайта ишлаш. Сейсморазведка маълумотларини миқдорли талқин қилиш. Унинг вертикал йўналиш бўйича имкониятлари, фазовий имкониятлар. Янги сейсмик кесим шаклларини ўрганиш. Сейсмик тадқиқот материалларини сейсмостратиграфик интерпретацияси. Нефть ва газ ўюмларини тўғридан-тўғри излаш.

6 – мавзу. Даҳа геофизик усуллари билан ер устки тузилишини ўрганиш

Мажмуали геофизик далилларни геологик изоҳлаш услубининг умумий асослари. Худудий (регионал) геофизик тадқиқотлар. Йирик ва ўрта масштабли геологик хариталаш. Фойдали қазилма конларини қидириш. Маъдан ва номаъдан конларини қидириш ва разведка ишлари. Гидрогеологик ва муҳандислик геологияси масалаларини ечиш.

2 – Модул. Қудуқларда геофизикавий тадқиқот усуллари натижаси таҳлили

7 – мавзу. Қудуқларда ўтказиладиган тадқиқот натижаларини комплекслаш

Тезкор ҚГТ натижалари интерпретацияси. Кесимларни литологик бўлаклаш. Кесимни стратификациялаш. Коллекторларни белгилаш, уларни эффектив қалинлигини аниқлаш. Интерпретациялаш методикасини петрофизик асослаш. Коллекторларни ўтказиш коэффицентини аниқлаш. Нефть ва газга тўйиниш коэффицентини аниқлаш. Нефть ва газ захираларини аниқлашда ҚГТни қўлланилиши.

8 – мавзу. Нефть ва газ конларини ишлатишни геофизик усулларда назорат қилиш

Назорат усулларини классификациялаш. Қатlamни ҳажмий-фильтрацион ҳусусиятларини гидродинамик усулларда ўрганиш. Нефть ва газ конларини ишлатишда назорат геофизик усулларининг ечадиган вазифалари. Қатlamни ишлатиш ҳусусиятларини ўрганиш.

IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тафсиялар

Амалий машғулотларнинг асосий мақсади – ўқитувчининг раҳбарлиги ва назорати остида талаба назарий олган билимларни амалиётда қўллаши ҳамда билим ва кўнилмаларни шакллантириши ва ривожлантириши.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор – ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар, масалалар тўплами ишлаб чиқлади. Унда талabalарга асосий маъруза мавзулари бўйича амалий масала ва мисоллар ечиш услуби ва мустақил ечиш учун масалалар келтирилди.

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Оғирлик кучи аномалияларига геологик тузатиш киритиш.
2. Гравиразведка маълумотлари интерпретацияси.
3. Дала геофизик маълумотларини мажмуалаш.
4. Сейсморазведка ва гравиразведка маълумотлари корреляцион усулдаги комплекс интерпретацияси.
5. Магниторазведка маълумотлари интерпретацияси.
6. Электроразведка маълумотларини сейсморазведка маълумотлари билан боғлаш.
7. Гравимагниторазведка маълумотларини мажмуалаш.

8. Рақамли йиғиш усули билан комплекс аномалияларга ажратиши.
9. Корреляцион усул билан комплекс аномалияларни ажратиши.
10. Стандарт каротаж диаграммалари бўйича қудуқ кесимини тузиш.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълимнинг асосий мақсади – ўқитувчининг раҳбарлиги ва назоратида муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун талабада билим ва қўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришдир.

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Гравиразведка маълумотлари интерпретацияси.
2. Магниторазведка маълумотлари интерпретацияси.
3. Электроразведка маълумотлари интерпретацияси.
4. Сейсморазведка маълумотлари интерпретацияси.
5. Ҳар - хил эритмалардан фойдаланилган қудуқларда кесимларни ўрганиш учун оқилона ГИС мажмуасини танлаш.
6. Қазиб очилаётган кесмани турига қараб қудуқ қувури ва девори ҳолатини бурғилаш жараёнида назорат қилиш ва асоратларни олдини олиш мақсадида оқилона ГИС мажмуасини аниқлаш.
7. Дала геофизикаси усуллари маълумотларини умумийлаштириш ва хулоса қилиш ва бошқалар.
8. Ер қобиғи тузилишини ўрганишда сейсморазведка усулларини қўлланилиши.
9. Фойдали қазилмаларни қидиришда сейсморазведка усулларини қўлланилиши.
10. Нефть ва газ конларини қидиришда ҚГТ усулларнинг қўлланилиши.
- 11.. ҚГТ маълумотлари бўйича турли усуллар билан сув ва нефтгаздорлик коэффициентини баҳолаш услуби.
12. Нефть ва газга истқболли оралиқларни перфорация қилиш ва текшириш.
13. ҚГТ маълумотлари бўйича турли усуллар билан сингдирувчанлик коэффициентини аниқлаш услуби.
14. ҚГТ ва сейсморазведка маълумотларни таққослаш ва комплекс талқин қилиш.
15. Якуний кесимни чиқариш усуллари. Якуний кесимни динамик қайта ишлаш.
16. Ер қобиғи тузилишини ўрганишда геофизик маълумотларни АКТда қайта ишлаш.

VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари

Асосий адабиётлар

1. Ильина.Г.Ф Промысловая геофизика 2011 г.
2. Добрынин.В.М., Вендельштейн.Б.Ю., Резванов.Р.А., Африкян.А.Н Геофизические исследования скважин Москва 2004 г.
3. Латышова.М.Г., Мартынов.В.Г., Соколова.Т.Ф. Практическое руководство по интерпретации данных ГИС Москва Недра 2007 г.
4. Гудок.Н.С и др. Определение физических свойств нефтегазосодержащих пород. Учебник. М.Недра, 2007 г.
5. Абидов.А.А., Хайтов.О.Г., Халиматов.И.Х. Нефть ва газ геологияси. Кўлланма. Тошкент. ТДТУ. 2005 й.
6. Bagheri.A.M., Biranvand.B. Characterization of Reservoir Rock Types in a Heterogeneous Clastic and Carbonate Reservoir. Research Institute of Petroleum Industry (RIPI), Hovaizeh Ave., Tehran, Iran. 2005 у.
7. Малиновский.Ю.М. Нефтегазовая литология. Москва. Российский университет дружбы народов. 2009 г.
8. Chiniqulov X.Ch. Litologiya. Toshkent. “Yangi asr avlodi” 2008 у.
9. Xalismatov.I.X., Zakirov.R.T., Maxmudov.N.N. Neftgazli komplekslar: litologiya va tabiiy saqlagichlar. Toshkent. 2015 у.

Қўшимча адабиётлар

10. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016. – 56 б.
11. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъруза 2016 йил 7 декабрь. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016. – 48 б.
12. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.
13. Ўзбекистон Респубблласини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. - Т.:2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сонли Фармони.

14. Yarboboyev.T.N. Neftgazli komplekslar: litologiya va tabiiy saqlagichlar. Qarshi. 2017 у.
15. Голубова.Н.В. «Природные резервуары». Ростов-на-Дону 2007 г.
16. Бжицких.Т.Г., Санду.С.Ф., Пулькина.Н.Э. Определение физических и фильтрационно-емкостных свойств горных пород. Издательство Томского политехнического университета. 2008 г.
17. Доценко.В. Природные резервуары и ловушки нефти и газа. Ростов-на-Дону. 2003 г.
18. Пармузина Л.В. Литология природных резервуаров. Ухта. 2011 г.
19. Материалы 39-ой сессии международного научного семинара и.м Д.Г.Успенского Воронеж-2012.
20. Блох.Ю.И. Интерпретация гравитационных и магнитных аномалий 2009.
21. Рыскин.М.И Сокулина.К.Б Комплексная интерпретация геофизических данных 2010 г.

Интернет сай tlari

22. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси хукумат портали.
23. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
24. www.google.uz
25. www.ziyo.net
26. www.google.ru
27. www.oilandgas.com
28. www.geocniga.org
29. www.uzgeolcom.uz

